

ТАРЖИМА ФАОЛИЯТИНИНГ ИЛК ТАРИХИЙ БОСҚИЧЛАРИ ХУСУСИДА

Пулатова Сайёра Юлдашовна

Терм.ДУ

Таржима тарихи борасида изланувчи, Москва давлат университети олимаси О.И.Костикова ўзининг "Таржима тарихи: предмети, методология, таржиманинг фанда тутган ўрни" номли мақоласида тилшунос олим П.И.Копаневнинг таржима тарихини инсоният цивилизациясининг айрим босқичлари билан боғлаганлигини айтиб ўтади. Жумладан:

- 1) биринчи антик давр (құлдорлик ва феодализм);
- 2) иккинчи ёки ўрта давр(капиталнинг дастлабки жамғарилишидан 18-асрнинг илмий-техник инқилобига қадар);
- 3) учинчи, ёки янги давр (18-аср охири - 19-аср охири);
- 4)тўртинчи, ёки охирги давр 19-аср охири 20 аср);[1 ]

Бинобарин, О. Костикова ушбу мақолада ўзининг хуросасини бериб таржима тарихи даврини қўйидагича, яъни: биринчи гипотетик (фаразий) саводхонлик даври, бу хақда ҳеч қандай хужжатли далиллар йўқ ва унинг давомийлиги бир неча ўн минглаб йиллар жуда ноаниқ тарзда давом этиб, иккинчи –давр эса лойлавҳалардаги биринчи ёзма икки тилли хужжатлардан босмохона ихтиросигача – унинг давомийлиги бир неча минг йил билан чекланган ва бу давр таржима ва таржимонликнинг ажralиши ва иккинчисининг алоҳида мустақил фаолиятга бўлиниши билан тавсифланади. [1]

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда, таржима тарихининг келиб чиқишига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз.

Шундай қилиб, таржима-инсон фаолиятининг энг қадимги машғулотларидан биридир. Шу аснода қадимги Рим таржима тарихига мурожаат қилсак, бевосита Цицероннинг "Шеърият илми" рисоласида Афлотун ва Демосфен, Гораций асарларини таржима қилишда *interpres* сўзи "таржимон" ва "изоҳловчи" маъноларида кенг фойдаланилган. [2] Худди шу атамаларни муқаддас китоб Инжил таржимони авлиё Иерониум Стридонский (эрэмиздан олдинг 1V –асрда) ҳам ишлатганлиги хақида маълумотлар мавжуд. [8] Ушбу таржима унинг асосий ишларидан бўлиб, лотин тилига яхудий матнидан таржима қилинганлиги, бироқ унда қадимги юонон матнларининг ишлатилиши кузатилганлиги ҳамда лотин таҳрири орқали амалга оширилганлиги хақида баён этилади. [8] Иероним таржимага асл маъно берилиши керак деган фикрни илгари сурган ва у ўз фикрида:"мен сўзни сўз билан эмас, балки фикрни фикр билан етқазаман" деган ғояни илгари суради.

Эрамиздан олдинги 3-асрда қадимги шумер<sup>11</sup> халқлари миххатли<sup>12</sup> (клинопись) ёзувлари матнлари орасида таржимонга ёрдам берувчи икки тилли луғатлардан фойдаланганлиги түғрисида айтиб ўтилган.

Қадимги Бобил подшолиги ва Оссуря давлатларида ҳам тахминан эрамиздан олдинги 609- йилда хукмдорларнинг буйруқларини, босиб олинган халқлар эътиборига етқазиша иштирок этган таржимонлар гурухи фаолият юритган. Манбаларга таянган холда айтиш жоизки, таржимонларсиз кўп тилли яшайдиган кўплаб мамлакатларни босиб олиш натижасида пайдо бўлган қадимги империяларнинг мавжудлигини тасаввур қилиш мушкул эди.

Қадимги дунё тарихидан аёнки, таржима илк бора ёзувсиз фақат оғзаки тарзда ривожланган. Таржимон эса, тилларнинг бир-биридан фарқланиши туфайли ва одамларнинг ўзаро хабарларини тушуниш эҳтиёжларини қондириш учун пайдо бўлганлиги хақидаги тахминлар тилшуносларга равшандир. Таржимани эса ўтмишда асосан аёллар амалга оширган деган тахминлар қанчалик хақиқат эканлиги мавҳум. Чунки деганда, шу тариқа бу ерда бир қабила бошқа бир қабила аёлларини ўғирлаб кетиб уларга уйланиш анъанаси асрлар оша давом этган.[7] Демак, айтиш мумкинки қабилалар аёллардан таржимон сифатида фойдаланган.

Ўша даврда таржимонларга нисбатан бир томондан хизмат кўрсатувчи ходим каби қаралган бўлса, иккинчи томондан ўзга жоҳил(варвар) қабилалар тилини билгувчи киши сифатида эътиборсиз мунособат билдиришган. [7] Учинчи томондан таржимонлар профессионал гуруҳлардан ташкил топган ва ўзларининг иерархиясига эга бўлган. Улар асосан ибодатхона ва фараон девонхоналарида иш юритишган. Шу ўринда эрамиздан олдинги 14 –асрда биринчи таржимон хақида сўз юритадиган бўлсак, тарихда Тинислик<sup>13</sup> олий руҳоний Анхурмес номи машҳур бўлган. Умуман, биринчи хужжатли далиллар эрамиздан олдинги 15-асрга тааллуқли бўлиб дипломатик ёзишмаларнинг миххат ёзувидаги қадимги миср тилидан акгад [6] тилига таржималарини ўз ичига олади.

Бундан ташқари, таржима милоддан аввалги 15 –асрда Бобилда ҳам мавжуд бўлган бўлиб, эркин транскрипцияларни адаптация (мослашув) элементлари билан бирга сўзма-сўз ва эркин таржималар қилиш билан амалга оширилган.

Антик даврда эса, инжил ва диний рисолалар аввало юнон ва лотин тилларига, кейинчалик эса бошқа Европа тилларига мутаржимлар томонидан таржима қилинган.

<sup>11</sup> Шумерлар (ўз номи:шум sag-gig-ga – “қора бошли”)- Шумер тилида сўзлашувчи жанубий Месопотамия (Хозирги Ироқ)нинг қадимги аҳолиси. Улар анъанавий равишда цивилизациянинг пайдо бўлиши, қадимги Месопотамиянинг биринчи шаҳарлари ва давлатлари билан боғлиқ.

<sup>12</sup> Маълум бўлган энг қадимги ёзув тизими, ёзув шакли асосан ёзув материали билан белгиланади-лойдан ясалган лавҳа, лой хали юмшоқ бўлганда, ёзув учун ёғоч тайёқ ёки учли қамиш билан сиқиб чиқарилган; шунинг учун “ханжар шаклидаги” зарбалар кўриниб турган.

<sup>13</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki/>: Нил дарёсининг ғарбий соҳилида Юқори Мисрда жойлашган қадимги Миср шаҳри. Милоддан аввалги 4-минг йиллик охиридан ва эрамизнинг 1-минг йиллик бошларигача мавжуд бўлган.

Оғзаки тарзда фаолият олиб борган таржимонлар сирасига милоддан олдинги 155-йилда яшаб ўтган сенатор Гай Ациллийнинг Сенатда Юнон элчилари билан олиб борган музокораларидаги таржималари алоҳида тахсинга сазовор бўлган. [7]

Антик давр таржима муаммолари манбаларида биринчи ёзма таржимон деб – Луций Ливий Андроник (милоддан олдинги 275-200) ҳисобланиб, Гомернинг “Одиссея” асарини ва шу билан бирга наср ва шеъриятни ҳам таржима қилганлиги билан ҳам маълум бўлган. Бу даврда адабиёт, диний матнларни таржима қилиш маданий алоқа сифатида ўзлаштирилиб, икки тенденция: сўзма-сўз ва эркин таржима орқали бажарилган.

Ливий Анроник “Одиссея” таржимасига эркин ёндашади. Кўп холатларда қисқартирилган мисралар ва ташлаб кетилган, образлар номи лотин маъбуллари номи билан алмаштирилган. Маълумотлар яна шундан далолат берадики, Анроникдан кейин таржима фаолиятида римликлар аслиятнинг бутун хусусиятини сақлаб қолиш эмас, балки асарни Рим империясининг маданий эҳтиёжига мослаштириш тамоили үстун келади. [4] Албатта, ушбу холатларда таржима жараёнида хатоликларга йўл қўйилганлиги манбаларда эслатилиб ўтилади.

Таржималар асосан сўзма-сўз, тахминий ва эркин таржима қилинганлиги сабаб тил нормаларининг бўзилиши ва таржиманинг тушунарсиз бўлиши хамда таржимонларнинг малакаси етишмаслигига олиб келган.

Римлик таржима назариётчиси Цицерон (милоддан аввалги 1-аср) сўзма-сўз таржимани “энг қашшоқ таржима” деб хисоблаб таржимага шакл эмас балки мазмун беришга чақирган. Бу фикр нақадар тўғри эканлигига шубҳа йўқ дея олишимиз мумкин.

Шундай қилиб таржима фаолиятининг ilk босқичларида мутаржимлар турли муаммоларни бошидан кечирган ва бу албатта оғзаки ва ёзма таржимада ўз ифодасини топган. Кейинчалик ушбу муаммолар юзасидан назарий фикрлар доираси кенгайиб ўз ечимини топган ва янада баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Костикова О.И. История перевода: предмет, методология, место в науке о переводе. // Вестник Московского университета. Сер. 22. Теория перевода. 2011. №2, 14-6.

2. Pulatova, Sayyora Yuldashevna. "The activeness of syntactic transformations in the process of translation of a literary work from English into Uzbek (on the example of James Joyce's novel "Ulysses")." // Теория и практика современной науки. 2022. С.155-157

3. Pulatova Sayyora Yuldashevna (2022). Syntactic Transformations in the Process of Translation of a Literary Work from English into Uzbek. //Miasto Przyszłości, (2022). 24, 386-388.

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH  
VOLUME-2, ISSUE-13 (26-December)**

4.Қосимов А.,Ҳамроқулов А.,Хўжаев С., -Қиёсий адабиётшunosлика кириш.Андижон 2018, 59-бет.

5.<http://www.transneed.com>.

6.<https://ru.wikipedia.org/wiki/>: Akkad lišānum akkadītum,транслит.

7.<https://studfile.net/preview/1666679/> История перевода и переводческой мысли Feb 9, 2015

8. <https://ru.wikipedia.org/wiki/> Иероим Стиридонский.